

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020. Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

БАРАҚАЕВ ЛАЗИЗЖОН ОТАҚУЛОВИЧ

**ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА ТАФТИШ
ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА КРИМИНАЛИСТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Баракаев Лазизжон Отакулович

Далилларни тўплаш усули сифатида тафтиш ўтказишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари.....3

Barakayev Lazizjon Otakulovich

Procedural and criminalistic aspects of revision as a way of collecting evidence.....23

Баракаев Лазизжон Отакулович

Процессуальные и криминалистические аспекты проведения ревизии в качестве способа собирания доказательств.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020. Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

БАРАКАЕВ ЛАЗИЗЖОН ОТАҚУЛОВИЧ

**ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА ТАФТИШ
ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА КРИМИНАЛИСТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Yu501 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джураев Ихтиёр Бахтиёрвич
юридик фанлар доктори, профессор

Мўминов Бекзод Абдуваҳобович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 27 ноябрь куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел. (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz. Тел. (998971) 202-04-96)

Диссертация автореферати 2023 йил 15 ноябрь куни тарқатилди.

(2023 йил 15 ноябрдаги 9-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда яширин иқтисодиёт (SE) улуши ривожланаётган давлатларда 2025 йилга келиб ўсиши тахмин қилинмоқда¹. Иқтисодий жиноятлар дунёда 2014 йилда 37 %, 2016 йилда 36 %, 2019 йилда 47%, 2022 йилда 51% га ошиб борганлигини кўриш мумкин². Мазкур турдаги жиноятлар тафтиш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали аниқланади. Ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш мақсадида 2018 йилда Европада Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Миллий маркази (NECC) ташкил қилинганлиги иқтисодий, молиявий тафтишларни ўтказишга оид муҳим қадам ҳисобланади. NECC – халқаро марказ бўлиб, унда 40 дан ортиқ молиявий институтлар фаолият юритади. ЕСССД ташкилоти Европа давлатлари учун Европа Кенгаши коррупция ва легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш жиноятларига қарши курашга оид стандартларини ишлаб чиқмоқда.

Жаҳонда тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид янги институтларни жорий қилиш, тафтиш ўтказиш тартибини такомиллаштириш, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг ёки бошқа ваколатли шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини такомиллаштириш, аудиторлик текширувларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш каби янги тизимни амалиётга жорий этишга доир илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда. Тафтиш далолатномасини далил тури сифатида белгилаш, тафтиш ўтказган шахсларнинг ёлғон далолатнома берганлик учун жавобгарлигини белгилаш, тафтишнинг янги самарали турларини жорий қилиш, тафтиш ўтказиш методикасини яратиш, тафтиш ўтказилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг назарий ва амалий ечимини топиш талаб қилинади.

Республикамизда 2018–2022 йиллар ва 2023 йилнинг 6 ойида 3 та ваколатли орган мутахассислари томонидан жами 21 054 та тафтиш ўтказилган. Таҳлилларга кўра, биргина 2018-2021 йилларда айнан тафтиш нотўғри ўтказилганлиги сабабли 10 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилган. 2018 йилдан 2023 йилнинг 6 ойига қадар жиноят ишлари бўйича жами 551 та қўшимча, 116 та қайта тафтишлар ўтказилган. Ушбу йўл қўйилган хатолар жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказиш зарурати тўлиқ ўрганилмасдан тайинланаётганлиги; тафтишда аниқланиши лозим бўлган масалалар аниқлаштирилмасдан “шаблон” тарздаги қарорлар асосида тайинланаётганлиги; тафтиш тайинлашда мутахассис жалб қилинмаётганлиги; тафтишларни қўзғатилган жиноят иши доирасидан четга чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг тўлиқ фаолиятига тайинланаётганлиги; тафтиш якунига етмасдан “оралиқ далолатнома” тузиш ва ушбу далолатнома

¹ ccaglobal.com/gb/en/technical-activities/technical-resources-search/2017/june/emerging-from-the-shadows-the-shadow-economy-to-2025.htm

² Растегаева Ф.С. Форензик: понятие и особенности. электронный научный журнал «Вектор экономики». 2020 № 9. с. 7.

орқали шахсга айблов эълон қилинаётганлиги сабабли юзага келмоқда. Демак, бугунги кунда тафтиш институтини тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш давр тақозоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (1994 й.)³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2022 й.)⁴, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2022 й.)⁵ ва шу каби қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишида тадқиқот иши муайян даражада кўмаклашади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти “Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг янги механизмларини жорий қилиш”га оид устувор йўналишидан келиб чиқиб тайёрланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Далилларни тўплаш усули сифатида тафтишнинг назарий ва амалий жиҳатлари миллий ҳуқуқшунос олимлардан Ғ.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, Г.З.Тулаганова, У.А.Тухташева, Ш.Ф.Файзиев, Н.М.Қўшаев, Д.Б.Базарова, Д.М.Миразов, Б.А.Мўминов, И.Р.Астанов илмий ишларида, хорижлик олимлардан А.П.Рыжаков, Б.Т.Безлепкин, Р.С.Белкин, В.Г.Даев, З.З.Зинатуллин, И.Л.Петрухин, А.Р.Ратинов, М.С.Строгович, С.А.Шейфер томонидан ўрганилган.

Бирок, ушбу олимлар Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ва амалиётида тафтиш институтини қўллашга оид муаммолар ва уларни бартараф этиш, ушбу институтни ривожлантириш масалаларини монографик тарзда тадқиқ қилмаган. Демак, тафтиш институтини комплекс тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқот ишлари режасига киритилган ва “Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш”ги оид илмий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади тафтиш тайинлаш ва ўтказиш ҳамда унинг натижаларининг процессуал ҳамда криминалистик жиҳатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси <https://lex.uz/docs/111460>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ-374-сонли қарори.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 19 октябрдаги 611-сонли қарори.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тафтиш ўтказишнинг умумий тавсифи ва вазифаларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

тафтиш институтининг ривожланиш тарихини ўрганиш ва босқичларга бўлиб тадқиқ қилиш;

тафтиш тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал жиҳатларини таҳлил қилиш ва уни ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

тафтиш тайинлаш ва ўтказишнинг криминалистик жиҳатларини ўрганиш ва энг самарали усуллар ҳамда воситаларни қўллашни ўрганиш;

тафтиш натижаларини баҳолаш ва жиноят ишини тергов қилишда ундан самарали фойдаланиш;

хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ва амалиётида тафтиш институти имкониятларидан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликка ҳамда амалиётга ушбу илғор тартибларни жорий қилиш истиқболларини таҳлил қилиш;

жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказишнинг халқаро стандартларини ўрганган ҳолда миллий қонунчиликдаги нормаларни ва амалиётни унга мослаштириш йўллари излаб топиш;

далилларни тўплаш усули сифатида тафтиш институти самарадорлигидан фойдаланиш истиқболларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят юзасидан тафтиш тайинлаш ва ўтказиш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тафтиш ўтказишга оид юридик соҳадаги илмий-назарий қарашлар ва концептуал ғоялар, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, амалиёт ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб боришда индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, кузатув, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, социологик сўровлар ўтказиш, статистик каби илғор усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

тафтиш устидан назоратни ўрнатиш, жиноят ишлари бўйича маълумотларни “Электрон жиноят-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимига киритиш зарурияти асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий қилиш лозимлиги таклиф қилинган;

тафтиш ҳужжатларини далил тури сифатида ҳисобга олиниши лозимлиги асослаб берилган;

тафтиш тайинлаш қарори устидан текширилаётган шахс назорат қилувчи прокурорга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлиги, прокурор шикоятни 3 сутка ичида кўриб чиқиши кераклиги, қабул қилинган қарор ҳақида шикоят йўллаган шахсга хабар берилиши шартлиги таклиф қилинган;

тафтиш ўтказиш муддатини узайтириш ваколатини вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга бериш лозимлиги асослантирилган;

тафтиш далолатномасини текширилаётган субъект мансабдор шахси ёки унинг вакили томонидан имзоланиши шартлиги таклиф қилинган;

текширилаётган субъект мансабдор шахси ёки унинг вакилининг эътирози асосли бўлганда қайта тафтиш тайинлаш ўтказиш кераклиги таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Жиноят ишлари бўйича тафтиш тайинлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар рўйхати шакллантирилган;

Тафтиш ўтказиш жараёнида мутахассислар амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритми яратилган;

Тафтиш жараёнида уни тайинловчи ва ўтказувчи органлар ҳаракатлари кетма-кетлиги акс этган телеграмм бот шакллантирилган;

Тафтиш тайинлаш ва тайёрлаш жараёнларини ўзида акс эттирувчи “Жиноят ишлари юзасидан тафтиш тайинлаш ва ўтказиш ҳамда натижаларни баҳолаш тартиби тўғрисида йўриқнома” лойиҳаси тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий иш натижалари илғор мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқи нормалари, криминалистика назарияси ҳамда қонунчиликни қўллаш амалиёти, бошқа манбалар, илмий қарашлар асосида исботини топган.

Тафтиш тайинлаш ва ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар муносабатларини ўрганиш мақсадида жиноят иши материаллари таҳлил қилинган, сўровлар ўтказилган, статистик маълумотлар олинган ҳамда натижалари умумлаштирилган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган.

Тадқиқот доирасида шакллантирилган таклифлар апробациядан ўтказилган, натижалари миллий, хорижий нашрларда эълон қилинган, ваколатли идоралар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида шакллантирилган назарий хулосалар, тавсиялар қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарадорлигини ошириш, илмий фаолиятда, жиноят-процессуал қонунчиликдаги тадқиқот мавзусига оид нормаларини шарҳлашда, криминалистик тактика, жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноятларни тергов қилиш услубиёти каби фанларни назарий ва амалий жиҳатдан бойитади.

Тадқиқот иши қонун ижодкорлигида, тафтиш тайинлаш ва уни ўтказишнинг самарадорлигини янада оширишда, ушбу йўналишда илмий тадқиқот олиб боришда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий натижалар қуйидагиларда намоён бўлади:

тафтиш устидан назорат қилиш, жиноятга оид маълумотларни “Электрон жиноят-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимига киритиш заруриятига оид таклифларидан “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармон лойиҳасини, шунингдек, Бош прокурорнинг 12.07.2021 йилдаги 243-сонли буйруғи асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олинishi тафтиш ўтказилган ҳолатлар сони, йўл қўйилган камчилик, ушбу далилларни тўплаш усулини ўтказган органлар ва уларнинг ҳаракатларини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, коллизия ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий қилиш лозимлигига оид таклифлардан “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон лойиҳасини, шунингдек, Бош прокурорнинг 12.07.2021 йилдаги 243-сонли буйруғи билан тасдиқланган юқоридаги Низомнинг 15-бандини шакллантиришда ҳам фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олинishi терговчи ва прокурор учун тафтиш тайинлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, тафтиш далолатномасини баҳолашда ҳамда ушбу далилларни тўплаш усулидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатувчи ходим шаклланишига ҳисса қўшган;

тафтиш ҳужжатларини далил тури сифатида ҳисобга олинishi лозимлиги ҳамда тафтиш тайинлаш қарори устидан текширилаётган шахс прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлиги, қабул қилинган қарор ҳақида шикоят йўллаган шахсга хабар берилиши шартлигига оид таклифларидан Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 103-моддаси 2-қисми, 231-модда 5,6,7-қисмларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олинishi далил турлари қаторига тафтиш далолатномасининг киритилишга ҳамда тафтиш тайинлаш қарори устидан шикоят қилиш мумкин бўлган шахслар сонини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

тафтиш ўтказиш муддатини узайтириш ваколатини вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга бериш лозимлиги, тафтиш далолатномасини текширилаётган субъект мансабдор шахси ёки унинг вакили томонидан имзоланиши шартлиги, текширилаётган субъект мансабдор шахси ёки унинг вакилининг эътирози асосли бўлганда қайта тафтиш тайинлаш ўтказиш кераклигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ЖПК лойиҳасининг 236-моддаси 2-қисми, 237-моддаси 4-қисми, 238-моддаси 2-қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олинishi тафтиш ўтказиш муддатини узайтириш тартибини

соддалаштириш, осонлаштириш, тафтиш асосида текширилаётган шахслар ҳуқуқларининг, қайта тафтиш ўтказиш асослари кенгайтишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, хусусан, 3 та халқаро ҳамда 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот доирасида 5 та миллий журналларда, 2 та илмий тўпламларда, 3 та хорижий журналларда, 3 та халқаро тўпламларда мақолалар (жами 13 та мақола) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 156 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми, тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тафтиш далилларни тўплаш усулининг юридик табиати, тадрижий ривожланиши”** деб номланган бўлиб, уч параграфдан иборат.

Биринчи параграф *“Тафтиш далилларни тўплаш усулининг юридик табиати ва вазифалари”*га бағишланган бўлиб, унда тафтиш махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларида бири эканлиги баён қилинган ва махсус билим тушунчасини изоҳлаш орқали тафтиш тергов ҳаракатини табиатини тушунтиришга ҳаракат қилинган. Ҳуқуқшунос олимлардан И.Р.Астанов, Л.В.Лазарева, В.Н.Махов, Б.М.Бишмановлар фикрларини таҳлил қилган ҳолда махсус билим тушунчасига таъриф берилган. Ғ.Абдумажидов, Б.А.Мўминов, Е.А.Зайцева ва Д.П.Чипураларнинг махсус билимлардан фойдаланиш шаклларига оид фикрлари таҳлил қилинган. Солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити, текшириш каби тушунчалар қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи И.Р.Астанов, Б.А.Мўминов, Н.Б.Сущенко, М.Г.Ромаховлар, А.Г.Соловьёв, И.С.Мацкевичюс, В.И.Лакис, Е.А.Касюк, Р.А.Баширов, Н.В.Баширова, В.В.Степанов ва Л.Г.Шапиролар таърифларига таяниб тафтиш тушунчасига муаллифлик таърифи берилган. Жиноят-процессуал кодексининг 187¹-моддасига таяниб ҳамда тадқиқотчи илгари сурган тафтиш таърифидан келиб чиқиб, ушбу тушунчанинг муҳим компонентлари шакллантирилган. Таҳлиллар натижаси кўра, текшириш тафтиш ва ўзга идоравий текширувни ўз ичига олувчи кенг тушунча саналади.

Ўзга идоравий текширувда корхона, муассаса, ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилганлиги, самарадорлик, камчиликларни текширишга қаратилса, тафтишда молия-хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги, жиноят аломатлари бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан текширилади.

Тафтишга берилган таърифлар ва унинг объектини ўрганиш орқали тафтишнинг асосий вазифалари нимада акс этиши санаб ўтилган.

Муаллиф ушбу бобнинг *“Тафтиш турлари ва уларнинг текширишининг бошқа усуллари билан қиёсий таҳлили”*, деб номланган иккинчи параграфда С.П.Голубятников ва Н.В.Кудрявцевларнинг терговчи тафтиш тадқиқот усулини танлашда тафтишчи ишига аралashi керак эмас, балки уни тайинлаш орқали маълум бир ташкилий кўрсатмалар бериши, керакли мутахассисларни топишга амалий ёрдам бериши керак деган фикрига қўшилишини изоҳлаган. Тафтишдан фарқли равишда ўзга идоравий текширишда текширувчининг асосий вазифаларидан бири бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг тўғрилигини, шунингдек молиявий интизомга риоя этилишини назорат қилишдан иборатлиги баён қилинган. Тадқиқотчи бирламчи тафтиш тушунчасига муаллифлик таърифини берган. Қўшимча тафтиш тайинлаш учун асос сифатида йўл қўйилган камчиликлар баробарида бўшлиқларни ўрнини тўлдириш ҳолатини киритиш таклиф қилинган. Бундан ташқари, қайта тафтиш тушунчасини изоҳлашда уни ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилишини ҳам киритиш таклиф қилинган. Тадқиқотчи дастлабки тафтишни ўтказган мутахассис қайта тафтишни ўтказишда далолатнома тузишда иштирок этмаган ҳолда дастлабки тафтиш бўйича тушунтириш ва изоҳлар бериш учун қатнашиши мумкин деган норма киритишни таклиф қилган. Таҳлиллар ва олимлар фикрларига таянган ҳолда тафтишнинг турлари таснифлаб берилган.

“Тафтиш институтининг ривожланиш тарихи” деб номланган учинчи параграфда “Ману” қонунларидан бири бўлган “Артхашастра”да, Юстиниан қонунларида мутахассис тушунчаси қўлланилганлиги, бухгалтер касби ҳақидаги маълумотлар Рим императори Максимилиан I фармонларида маълумотлар учрагани баён қилинган. Қадимги Мисрда эса фиръавннинг молиявий ҳисобларини юритувчи ва уни тўғрилигини ва сарфланишини текшириб борувчи шахс Неферхотеп ҳақида маълумот берилган. Тафтишчи касбининг пайдо бўлиш тарихи қадимги Хитой, Греция ва Римга бориб тақалиши, Рим империясидаги барча молиявий операциялар Сенат ва ёлланган аудиторлар штаби томонидан назорат қилиши изоҳланган. 1960 йилдаги Жиноят-процессуал кодексида илгари мавжуд бўлган жиноят-процессуал кодексларидан (1922 ва 1923 й.) фарқли ўлароқ, терговчининг тафтишни талаб қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлангани маълум қилинган. 1959 йилги ЖПКнинг 11-моддасига кўра, Бош прокурор, туман, шаҳар прокурорлари ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ишини текшириш ва тафтиш қилишни талаб қилиш ваколати мавжудлиги изоҳланган. ЖПКнинг 87-моддасидаги далилларни тўплаш тафтиш тайинлаш орқали эмас, балки тафтиш ўтказиш орқали бўлиши лозимлиги таклиф қилинган. Жиноят-

процессуал кодексига тафтишга оид алоҳида 22¹-боб Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-418-сонли қонунига асосан киритилганлиги баён қилинган. 1994 йилдан 1996 йилгача жиноят-процессуал қонунчиликда қўлланилиб келинган ҳужжатли тафтиш тушунчаси кейинчалик тафтиш сўзига алмаштирилган. 2017 йилда тафтиш тайинловчи шахслар сафи кенгайиб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси ҳам улар қаторига кирган. Таҳлиллар натижасида тафтиш институтини ривожланиш тарихи 5 босқичга бўлиб ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жиноят ишлари бўйича тафтиш тайинлаш ва ўтказишда юзага келаётган муаммолар”** деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади.

Биринчи параграф *“Тафтиш тайинлашнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари”* деб номланган бўлиб, тафтиш тайинлашнинг далил сифатидаги ўрни, мақсади, субъектлари, тайинлаш тартиби, қарорини расмийлаштирилиши, унинг мазмуни, тафтиш ўтказувчи шахс олдига қўйиладиган вазифалар, текшириладиган давр, қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва ҳуқуқий асослари ёритилган. Хусусан, тафтиш ўзига хос тергов ҳаракати эканлиги, иқтисодий жиноятларни тергов қилишда муҳим далил бўлиб хизмат қилиши ҳамда тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳар доим мажбурий характерга эга бўлиши, қонунда уни мажбурий бажарилишини алоҳида қафолатланиши, тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан тайинланган тафтишнинг ўзига хос хусусиятлари қайд этилган.

Тафтиш тайинлашда пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бажарилиши лозим бўлган ташкилий тадбирлар амалга оширилиши, жиноят содир этиш ҳолатлари ва шахсларни аниқлаш мақсадида зарур бўлган ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли равишда тўплаш, бухгалтерия ҳужжатлари, солиқ маълумотлари, олдинги ўтказилган текширувлар ва текширув материаллари, шунингдек, заруриятга кўра текширув давомида жиноят иши ҳужжатларидан фойдаланиш имкони берилиши зарурияти асослантириб берилган.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор далилларни тўплашга қаратилган процессуал ҳаракатларни ўтказиш тўғрисидаги хулоса ва тўхтамларни ифодаловчи қарорлар жумласига кириши, бу турдаги қарорларнинг шакли ва мазмуни, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг кириш, тавсифловчи – асословчи, хулоса каби таркибий қисмларга бўлган ҳолда унга қўйилган талаблар таҳлил қилинган.

Ҳисоб ҳужжатларини сақланиши ва даъво муддатини инобатга олган ҳолда тафтиш тайинлашда тафтиш қилиниши лозим бўлган молия-хўжалик фаолияти даври, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини истисно этган ҳолда, ҳисобот йилидан кейин кўпи билан беш йил белгиланиши ҳамда текшириладиган субъект мансабдор шахсларига ҳам тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш имконияти берилиши лозимлигига доир нормаларни жиноят-процессуал қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаш лозимлиги илмий ва ҳуқуқий асослаб берилган.

Муаллиф турли олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, тафтишни шартли равишда тайёргарлик кўриш; тафтиш тайинлаш; тафтиш ўтказиш; тафтиш натижаларини расмийлаштириш; тафтиш натижаларини баҳолаш каби босқичларга ажратиш лозимлиги тўғрисида хулосага келган.

Иккинчи параграфи “*Тафтиш ўтказиш тартиби ва унинг тактик жиҳатлари*” деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинган ҳолда тафтиш ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, тафтиш ўтказиш тартиби бўйича умумий услубиёт шакллантирилмаганлиги тўғрисида хулосага келиб, бу борада тафтишни амалга оширувчи органлар учун умумий йўриқнома ишлаб чиқиши таклиф этилган.

Шунингдек, тафтиш органига юклатилган барча функцияларни бажарувчи, ваколатларидан фойдаланувчи бюджет ва махсус жамғармалар маблағларининг сарфланиши бўйича асосий давлат молиявий назоратини амалга оширувчи орган бўлган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ҳам тафтишни амалга оширувчи органлар қаторига киритиш лозимлиги асослаб берилган.

Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини қасддан nobud қилганлик учун хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноят алоҳида жиноий жавобгарликни назарда тутиш лозимлиги ва тегишли меъёр қўйидагича: “жиноий фаолият изларини яшириш мақсадида, бухгалтерия ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш қоидаларини, шунингдек ҳужжатларни сақлаш тартиби ва муддатларини қасддан бузиш” кўрсатилиши тўғрисидаги таклиф илгари сурилган.

Муаллиф томонидан тафтишлар бўйича муддатларни узайтириш тартиби ўрганилганида, муддатларни прокурор-тергов ходимларнинг ўзбошимчалик билан қабул қилган (розилик олинмаган) қарорлари ёхуд терговчи (прокурор) томонидан мутахассисларни хизмат сафари муддатларини узайтириш тўғрисидаги тафтиш ўтказувчи органга қилинган мурожаатлари (хатлари) асосида узайтириш каби салбий амалиёт шаклланиши маълум бўлган.

Таҳлиллар ва илмий изланишлар натижаларига кўра, Бош прокуратура томонидан тафтиш муддатини узайтириш ваколатини вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга бериш бўйича Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинган.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликни қўллаш амалиётида юзага келаётган мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларда тафтиш ўтказиш муддати 30 календарь кун қилиб белгиланганлиги, ушбу муддатда ҳақиқий иш куни ўртача (шанба, якшанба кунлари ва дам олиш кунларидан ташқари) 20-22 кунни ташкил этишлиги, шу сабабли ўтказилаётган тафтиш муддатини 30 иш куни этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлар илмий амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.

Бундан ташқари, турли олимларнинг фикрларини ҳамда қонун ҳужжатларини таҳлил қилган ҳолда ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисмидаги “экспертнинг хулосаси” сўзларидан кейин “тафтиш далолатномаси” сўзларини киритиш ва бу билан тафтиш натижалари юзасидан тузилган далолатномани ҳам далил сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинган.

“Тафтиш натижаларини баҳолаш ва ундан фойдаланиш тартиби” деб номланган учинчи параграфда жиноят-процессуал қонунчиликда тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномани баҳолашга доир нормалар қайд этилмаганлиги, лекин тафтиш натижаларига доир ҳужжатда тафтиш объектининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши каби муаммо илгари сурилиб, тафтиш натижаларини баҳолашни тафтиш натижаларини таҳлил қилиш ва унинг ишдаги бошқа далиллар билан мувофиқлигини текшириш, таққослаш каби босқичларга ажратилган. Тафтиш натижаларини баҳолашда унинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан келиб чиқиш зарурияти асослаб берилган.

Муаллиф томонидан тафтиш натижаларини баҳолашнинг субъекти фақатгина терговга қадар текширув органи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бўлиши мумкинлиги асослангирилиб, улар томонидан тафтиш далолатномасини баҳолашда эътибор қаратишлари лозим бўлган ҳолатлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Тафтиш ўтказувчи шахс мақомига кўра гувоҳ эмас, балки мутахассис сифатида сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқлиги илмий асосланиб, амалдаги ЖПКга тафтиш ўтказувчи шахсни сўроқ қилиш бўйича алоҳида нормалар киритиш бўйича таклифлари илгари сурилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Тафтиш институтини хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро стандартлар таҳлили орқали такомиллаштириш самарадорлиги”** деб номланиб, мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида тафтиш институтига оид нормалар таҳлили”* деб номланган бўлиб, унда бир қатор давлат жиноят-процессуал қонунчилиги таҳлил қилинган.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 80-моддаси эксперт ва мутахассиснинг хулосаси ва кўрсатувиغا бағишланган бўлиб, шунга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг “Далилларнинг турлари” деб номланган 81-моддаси 2-қисмида тафтишчининг далолатномасини далил тури сифатида киритиш лозимлиги таклиф қилинган. Тафтиш муддати прокурор томонидан 30 кунгача узайтириши мумкинлиги баён қилинган.

Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг “Далилларни тўплаш” деб номланган 122-моддасида ҳам мутахассиснинг хулоса бериш ваколати баён қилинган. Тафтиш ва бошқа хизмат текширишлари ёзма далил сифатида жиноят ишига махсус расмийлаштиришларсиз қўшиб қўйилиши баён қилинган.

Туркменистон Жиноят-процессуал кодексига кўра, 131-модда тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар деб номланиб, ҳужжатлар жумласига тафтиш кириши изоҳланган. 133-моддага кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор тафтиш ўтказиш учун уни тайинлаш ваколатига эгаллиги баён қилинган.

Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тафтиш тайинлаш тўғрисида эмас, балки тафтиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мустаҳкамланганлиги маълум қилинган.

Тожикистон ва Грузия Жиноят-процессуал кодексларида тафтиш институтига кам эътибор қаратилганлиги баён қилинган.

Германия Жиноят-процессуал кодекси 53-моддасига кўра, ўз хизмат вазибаларидан келиб чиқиб, гувоҳ тариқасида кўрсатувларни беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига адвокатлар, нотариуслар, аудиторлар баробарида тафтишчилар ҳам киритилганлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, БМТнинг коррупцияга қарши кураш Конвенцияси иштирокчиларининг 2023 йил 27 мартдаги конференциясида тафтиш органларининг ўз давлатларида жиноятга қарши кураш ва етказилган молиявий зарарларни аниқлаш бўйича амалиёти ўрганилганлиги баён қилинган ва хорижий давлатлар вакилларининг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Ушбу мулоҳазаларга таяниб, Жиноят-процессуал кодексига тафтиш ўтказувчи шахслар сирасига Ҳисоб палатасини ҳам киритиш таклиф қилинган.

“Жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказишга оид халқаро стандартлар” деб номланган иккинчи параграфда IAASB - тафтиш (аудит) ва маълумотларни ҳақиқийлигини тасдиқлаш бўйича халқаро стандартлар кенгаши эканлиги баён қилинган, унинг пайдо бўлиш тарихи ва тадрижий ривожланиши изоҳланган. FATF мустақил ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланиб, халқаро молиявий тизимни жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришдан ҳимоя қилишга қаратилган тамойил ва стандартларни ишлаб чиқиши изоҳланган ҳамда молиявий разведка бўлинмаларининг тафтиш фаолияти баён қилинган. FATF стандартлари санаб ўтилган. РСАОВ АҚШдаги Оммавий компанияларнинг молиявий ҳисоботларини юритуви бўйича Кузатув Кенгаши тафтиш ҳисоботларини тайёрлаш ва чиқаришда тафтиш ҳамда тегишли касбий амалиёт стандарт(меъёр)ларини яратиши изоҳланган. АICPA Америка Сертификатланган Бухгалтерлар Институти тафтишчилар бухгалтерия ҳисоб-китобларини текшириш бўйича кўрсатмалар бериш учун янги стандартни таклиф қилиб келиши баён қилинган. АICPA стандартларини бир нечта асосий таркибий қисмларга бўлиниши, яъни ахлоқий стандартлар, тафтиш стандартлари, молиявий ҳисобот стандартлари, касбий тайёргарлик ва ривожланиш, халқаро стандартлари баён қилинган. АҚШ молиявий тафтишини Федерал даражадаги энг юқори молиявий назорат органи АҚШ Ҳисоб Палатаси (U.S. GAO) бажариши ва унинг ваколатлари изоҳланган.

ХУЛОСА

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар:

1. Махсус билимга оид тушунчаларнинг энг муҳим жиҳатларини олган ҳолда ушбу тушунчага куйидаги муаллифлик таърифи берилди:

“Махсус билим – фактик маълумотларни аниқлаш, далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш ва баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамасининг мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган, фан, техника, касб-хунарга доир тор соҳада, яъни тафтиш қилиш ва экспертизалар ўтказиш ҳамда эксперт, мутахассислар кўникмалардан фойдаланишга қаратилган билимдир”.

2. Тафтиш тушунчасига куйидагича муаллифлик таърифи берилди: *“Тафтиш – жиноят процессуал босқичларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарори, судья ажрими асосида текшириладиган субъектларнинг молия, солиқ, бухгалтерия, статистика, банк, валюта ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини, ахборот ва материалларни, моддий ва номоддий мулкӣ объектларни ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш, молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга қаратилган далилларни тўплаш усулидир”.*

3. Тафтиш тушунчасига берилган муаллифлик таърифидан келиб чиқиб у куйидаги компонентларга ажратилди:

- текширилувчилар доирасига кўра: якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар;

- процесс босқичларига кўра: терговга қадар текшириш, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичлари;

- тайинлаш ҳужжатларига кўра: қарор ёки ажрим;

- тафтиш тайинловчи ваколатли шахсларга кўра: терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья;

- тафтиш объектига кўра: молия, солиқ, бухгалтерия, статистика, банк, валюта ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар, ахборот ва материаллар, моддий ва номоддий мулкӣ объектлар ҳамда молиявий-хўжалик фаолияти;

- фаолият турига кўра: таққослаб кўриш ва ўрганиш.

4. Тафтишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборатлиги белгиланди:

ташкilot таъсис ҳужжатлари ҳолатларга мос келиш ёки келмаслигини аниқлаш;

смета ҳисоблари тўғрилиги;

харажатлар сметалари ижро ҳолати;

давлат бюджети маблағлари ва бошқа жамғармалардан тўғри фойдаланганлиги;

моддий бойликлар, қимматликлар ва пул маблағларидан тўғри фойдаланилаётганлиги, сақланиб келинаётганлиги;

бюджетдан ташқари маблағларнинг тўғри шаклланганлиги ва сарфланганлиги;

молия интизомига риоя қилинганлиги, бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилганлиги, ҳисоботларни тўғри олиб борилганлиги;

пул воситалари ва қимматбаҳо қоғозлар, кредит билан боғлиқ операцияларнинг асосли олиб борилганлиги;

бюджет ва бюджетдан ташқари бўлган ҳисобларни тўғри ва ўз вақтида олиб борилганлиги;

номоддий активлар, асосий воситалар билан боғлиқ операцияларнинг юритилганлиги;

инвестициялар билан боғлиқ операцияларнинг юритилганлиги;

ойлик иш ҳақларини тўланганлиги ва бошқа жисмоний шахслар билан боғлиқ ҳисобларни юритилганлиги;

кундалик фаолият билан боғлиқ харажатларнинг асосли сарфланганлиги ва капитал кўринишидаги маблағни сарфланганлиги;

молия ресурсларини шаклланганлиги ва уларни тақсимланиши тўғрилиги.

5. Тафтиш ва ўзга идоравий текширув, текшириш институтларини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди: текшириш тафтиш ва ўзга идоравий текширувни ўз ичига олувчи кенг тушунча саналади. Ўзга идоравий текширувда ташкилот, корхона, муассасанинг иқтисодий фаолиятида қонунчиликка риоя этилганлик даражаси, самарадорлиги ҳамда камчиликлари текширилса, тафтишда молия-хўжалик фаолиятининг ёки айрим алоҳида операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жинойт аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан текширилади.

6. Тафтишнинг турлари қуйидагича таснифланди:

қайси процессуал босқичларда ўтказилишига қараб, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ёки суд муҳокамасида ўтказиладиган тафтишлар;

ўтказиладиган субъектга қараб, идоравий, ноидоравий ва ички хўжалик тафтишлар;

тайинлаш вақтига кўра, текширувлар режалаштирилган ва режадан ташқари тафтишлар;

текширилаётган фаолият доирасига қараб, тўлиқ ёки қисман тафтишлар;

ўтказувчи шахсларга қараб, солиқ, молия, иқтисодий жинойтларга қарши кураш департаменти мутахассислари томонидан ўтказиладиган тафтишлар;

тайинловчи шахсларга қараб, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов органлари ва суд томонидан тайинланадиган тафтишлар;

ўтказилиш даврийлигига қараб, дастлабки, жорий ва кейинги тафтишлар;

объектига кўра, ҳужжатли ва инвентаризация шаклидаги тафтишлар;

ҳажмига кўра, якуний ва якуний бўлмаган тафтишлар;

сифат даражасига қараб, мураккаб, мураккаб бўлмаган, тематик ва якуний тафтишлар;

текшириш кетма-кетлигига қараб, дастлабки (бирламчи), қайта ва қўшимча тафтишлар;

текширувларнинг ҳуқуқий табиатига кўра, процессуал ва нопроцессуал тафтиш турларига бўлинади.

7. Тафтиш институтининг ривожланиш тарихини қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ саналади:

Энг қадимги давр (Қадимги Мисрда фиръавннинг молиявий ҳисобларини юритувчи ва уни тўғрилигини, сарфланишини текшириб борувчи шахс пайдо бўлиши, Ману қонунларидан бири бўлган “Артхашастра”да ҳамда рим ҳуқуқий манбаларидаги мутахассиснинг пайдо бўлиши даври);

Ўрта асрлар даври XVII-XX асрлардаги давр (XVII асрнинг охири - XVIII аср бошларида Шотландия судлари савдогарлар ва ер эгаларининг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисидаги кўплаб ишларни кўриб чиқиш бошланган);

1959 йилдан 1994 йилгача бўлган давр (Жиноят-процессуал кодексида тафтишга оид моддалар киритилиши даври).

1994 йилдан 2016 йилгача бўлган давр (тафтиш институти Жиноят-процессуал кодексида турли моддаларда акс этган давр);

2016 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-418-сонли қонунига асосан Жиноят-процессуал кодексига тафтишга оид алоҳида 22¹-боб киритилганлиги).

